АЁЛ—ТАБИАТНИНГ ЭНГ БУЮК МЎЪЖИЗАСИ!

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ÖZBEKİSTAN AVAZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1994 йил 6 март, якшанба № 55 (21.659). Сотувда эркин нархда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат хотин-қизларига

ТАБРИГИ

Муҳтарама онахонлар, қадрли опа-сингиллар!

Авваламбор, барчангизни 8 Март — Халқаро хотин-қизлар куни билан чин дилдан қутлашга ижозат бергайсизлар.

Ҳаётимизга баҳорнинг илк даракчиси каби кириб келадиган бу улуғ айёмни меҳр-муҳаббат, садоқат, нафосат байрами деб аташимиз айни ҳақиқатдир. Чунки қодир табиат Сиз — азиз аёлларимизга мунислик ва мушфиқликни, эзгулик ва гўзалликни абадий фазилат этиб бағишлаган. Сизларнинг меҳнаткаш қўлларингиз, самимий ва ширин сўзларингиз, бемисл сабр-бардошингиз туфайлигина кўнгилларимиз шод, хонадонларимиз ободдир.

Қутлуғ байрамлар, муборак саналар арафасида инсон ҳамиша ўтган кунларга хаёлан назар ташлайди. Оиласи, фарзандлари, эл-юрти истиқболини ўйлаб, эртанги кунига умидли режалар тузади. Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, юртимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий қудратини юксалтириш борасида мамлакатимиз хотин-қизларининг хизматлари беқиёсдир.

Маълумки, бу йил халқаро миқёсда Оила йили деб эълон қилинган. Жамият асоси бўлган оилаларимизнинг ҳар томонлама камол топишида, маънавий ва жисмоний соғлом авлодни тарбиялаб воягa етказишда аёлларимиз амалга ошираётган ишлар айниқса таҳсинга сазовор.

Ҳадисе шарифда «Жаннат — оналарнинг оёғи остидадур», деб бежиз айтилмаган. Ҳар бир инсонга ҳаёт ато қилгувчи, ҳар бир инсон кўнглини мунаввар этгувчи, найинки оилага, балки бутун жамиятга ҳам аҳиллик, тотувлик, меҳру-оқибат бағишлагувчи ҳам аёл зотидир. Аёл — табиатнинг энг буюк мўъжизаси. Бу мўъжиза олдида таъзим бажо этиш ва бу улуғ мўъжизани яратган Оллоҳ таолога чексиз ҳамду санолар айтиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиздир.

Меҳрибон ва мунис аёлларимизни қутлуғ байрам билан яна бир карра қизғин муборакбод этаман!

Барчангизга сиҳат-саломатлик, тинчлик-омонлик, хонадонларингизга қут-барака, бахт-саодат тилайман.

Гулдай очилиб юринг, азизлар! Рустам ШАРИПОВ сурат-лавҳаси.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАНИНГ БИР ГУРУҲ АЁЛЛАРИНИ ТАҚДИРЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси иқтисоднётини ривожлантириш, фан ва маданиятини юксалтириш ишига катта ҳисса қўшаётганликлари, ёш авлодни тарбиялашдаги алоҳида хизматлари учун ҳамда Халқаро хотин-қизлар байрами — 8 Март куни муносабати билан қуйидагиларга Ўзбекистон Республикасининг фахрий унвонлари берилсин:

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби»

Мавлоний Машҳура Эгамберди қизи — Республика Фанлар академияси Микробиология институтининг лабораторияси мудири

(Давоми иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИНИНГ ЖАМОАСИГА

Азиз дўстлар!

Ўзбекистонликларнинг кўпчилиги учун қадрдон бўлган металлургия заводи ташкил этилган куннинг 50 йиллиги билан сизларни самимий қутлайман!

Металлургларнинг жамоаси босиб ўтган шонли йўл ватанпарварлик, фуқаролик, байналмилаллик бурчига муносабатнинг ажойиб тимсоли меҳнат қаҳрамонлигининг беқиёс мактабидир.

Республиканинг энг йирик корхоналаридан бири бўлмиш сизларнинг заводингиз Ўзбекистоннинг иқтисодий мустақиллигини қарор топтиришга ғоят катта ҳисса қўшмоқда. Республикада халқ хўжалигининг амалда барча тармоқлари сизларнинг корхонангиз ишлаб чиқараётган металл прокатдан фойдаланади. Ишчилар, муҳандислар, технологлар ўз корхоналари Ўзбекистон оғир саноатининг пешқадамларидан бири эканлиги билан ҳақли равишда фахрланишлари мумкин.

Халқлар дўстлиги, ўзаро ёрдам анъаналари, фуқаролик бурчи туйғулари ва маънавий қадриятлар авайлаб асралаётганлиги ҳамда металлургларнинг янги-янги авлодларига етказилаётганлиги бебаҳо аҳамиятга эгадир. Бу жамоангизнинг ғоят катта ҳаётий кучидан далолат бериб турибди ва унинг янги шонли зафарларга эришиши гаровидир.

Азиз дўстлар, барча ходимларга ва металлургларнинг оилаларига байрам муносабати билан энг самимий қутловларимни, сиҳат-саломатлик, омонлик ва бахт-саодат тилаб билдирган истакларимни қабул қилгайсизлар!

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ.

• Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўмида

ХАЛҚЧИЛ СИЁСАТ МАЪҚУЛЛАНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши биринчи котиби М. Расулов раислигида Сиёсий ижроия қўмитанинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда ЎзХДП Ранси, Республика Президенти И. А. Каримов раҳбарлигида ҳукуматимиз изчиллик билан олиб бораётган тинчликсевар ташқи сиёсат қўллаб-қувватланди. Юртбошимизнинг Қозоғистон, Қирғизистон ва Тожикистон раҳбарияти билан энг кейинги учрашувлари самарали бўлганлиги алоҳида таъкидланди. Ўзбекистон давлат делегациясининг куни кеча Россия Федерациясига бўлган биринчи расмий ташрифи якунлари юқори баҳоланди.

Сиёсий ижроия қўмита Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкилотлари, барча партия аъзоларини ушбу учрашувлар ва ташриф якунлари моҳиятини мамлакатимиз фуқароларига кенг тушунтиришга, мамлакатларимиз, халқларимиз ўртасидаги анъанавий иқтисодий, сиёсий, маданий ва бошқа соҳалардаги алоқаларни ривожлантиришга қаратилган шартнома ҳамда битимларни бажаришга муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

Мажлисда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармаларини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш юзасидан вазифалари муҳокама қилинди. Шу борадаги ишларни йўлга қўйиш, «Соғлом авлод учун» ва «Маҳалла» жамғармалари, уларнинг ҳудудий бўлинмалари, оқсоқоллар кенгашлари олиб бораётган ишларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш юзасидан партия кенгашлари ва ташкилотларига тавсиялар берилди, мавжуд тажриба ва ташаббусларни ўрганиш ҳамда кенг ёйиш вазифаси топширилди.

Республика Олий Мажлисига сайловлар муносабати билан Ўзбекистон ХДПнинг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини тайёрлаш бўйича Марказий Кенгашнинг комиссияси таркиби тасдиқланди. Комиссия аъзоларига партиянинг сайловолди Сиёсий дастури лойиҳасини ишлаб чиқишда мамлакатимиз Президентининг маъруза ва асарларида илгари сурилган йўл-йўриқ ва қоидаларга, Ўзбекистон ХДПнинг Дастури ва Миллий истиқлол мафкурасига таяниш, унинг қисқа, аммо, мазмунли, ҳар бир фуқарога тушунарли ва даъваткор ҳужжат бўлишини таъминлаш топширилди.

Сиёсий ижроқўм мажлисида Фарғона вилоят партия ташкилотларининг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Миллий истиқлол мафкурасини тарғиб қилиш ва рўёбга чиқариш бўйича фаолияти кўрилди. Шу юзасидан вилоят партия кенгашининг биринчи котиби А. Мирсалимов ахборот берди.

Ўзбекистон ХДПнинг Миллий истиқлол мафкурасини ҳаётга татбиқ этиш, ҳокимият тузилмаларида, халқ хўжалигининг турли соҳаларида меҳнат қилаётган партия аъзоларининг тайёргарлигига, уларнинг бу масала билан астойдил шуғулланишларига боғлиқ эканлигини ҳисобга олиб, вилоят партия ташкилоти партия ходимлари, зиёлилар, оқсоқоллар, жамоат ташкилотларининг вакиллари билан ишлашни кучайтиришга мўлжалланган турли тадбирлар ўтказаётгани, уларга амалий ёрдам кўрсатаётгани таъкидланди. Шунингдек, Миллий истиқлол мафкурасини тушунтириш ва тарғиб қилиш борасида маҳаллаларда, халқ орасида олиб борган иш тажрибаси ижобий баҳоланди. Сиёсий ижроия қўмитаси мазкур масала бўйича қабул қилган қарорида бу иш мураккаб ва узоқ муддатли жараён эканлигини назарда тутиб партия кенгашлари ва ташкилотларига тавсиялар берди.

Шунингдек, мажлисда Ўзбекистон ХДПнинг 1993 йилги бюджети ижроси якунлари ва 1994 йилги бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди ҳамда уни Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленумида кўриб чиқиш учун тавсия этилди, ички партия ҳаётига доир бошқа масалалар кўрилди. Муҳокама этилган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Сиёсий ижроия қўмитаси мажлисида Ўзбекистон ХДП Қорақалпоғистон Республика, вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашларининг биринчи котиблари қатнашдилар.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ МАТБУОТ МАРКАЗИ.

МЕҲР-МУҲАББАТ, САДОҚАТ, НАФОСАТ БАЙРАМИ

Жонажон юртимизда кўклам нафаси кезмоқда. Бу йилги баҳорнинг ўзгача мазмуни, ўзгача таровати бор: у мустақиллик йўлидан комил ишонч билан бораётган халқимизга, азиз ва меҳрибон хотин-қизларимизга кўтаринки кайфият бахш этмоқда.

5 март куни Тошкентдаги «Туркистон» санъат кошонасига пойтахт жамоатчилиги намояндалари, ишчи ва хизматчилар, зиёлилар, уруш ва меҳнат фахрийлари, ёшлар тўпланди. Бу ерда 8 март—Халқаро хотин-қизлар кунига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишни Тошкент шаҳар ҳокими А. Фозилбеков очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг мамлакат хотин-қизларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х. Жўраев ўқиб эшиттирди.

Республика хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоираси Ҳалима Худойбердиева мамлакат хотин-қизларининг фаолияти ҳақида маъруза қилди.

Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, республика Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши раиси Бектош Раҳимов мунис ва мўътабар аёлларимизнинг ажойиб фазилатлари, уларнинг жамиятда тутган ўрни ҳақида гапирди.

Йиғилишда Ўзбекистон Олий Кенгаши Раиси вазифасини бажарувчи Э. Халилов, Олий Кенгаш Раисининг ўринбосари Б. Бугров, республика Бош вазирининг ўринбосарлари Б. Ҳамидов, В. Чжен, Қ. Ҳаққулов, К. Тўлаганов қатнашди.

Тантанали йиғилиш Ўзбекистон санъат усталарининг катта байрам концерти билан якунланди.

ЎзА.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов ва Россия Федерацияси Президенти Б. Н. Ельцин 1994 йил 2 март Москвадаги музокаралар вақтида таъкидлаганларидек, эришилган келишувлар икки давлат ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини сифат жиҳатидан янги мазмун билан бойитиш имконини беради ва Ўзбекистон Республикаси билан Россия Федерацияси халқларининг дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга бўлган ўзаро интилишидан келиб чиқиб,

Принциплари 1992 йилнинг 30 майида имзоланган Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги давлатлараро муносабатларнинг асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги Шартномада аниқланган кўп қиррали ўзаро ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш ва такомиллаштиришга бўлган азму-қарорини ифода этиб,

иқтисодий интеграцияни, илмий-техникавий, маданий, ва инсонпарварлик ҳамкорлигини чуқурлаштириш учун аниқ амалий чора-тадбирлар ўтказилишининг зарурлигини тан олиб,

Ўзбекистон билан Россиянинг тинчликни мустаҳкамлаш, барқарорлик ва хавфсизликни таъминлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини бирлаштиришнинг муҳимлигини таъкидлаб,

умум тан олинган инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя қилиш содиқлигини сақлаган ҳолда,

иккала давлат ягона ҳарбий стратегик маконга тегишли эканлигини тасдиқлаб,

МДҲ доирасидаги ҳамкорликни ривожлантиришга кўмаклашиш борасидаги ўз интилишларини эълон қилиб,

Ўзбекистон—Россия ҳар томонлама ҳамкорлигини ривожлантириш ва чуқурлаштиришнинг қуйидаги йўналишларини аниқлаб олдилар:

1-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси икки давлат халқлари манфаатида ҳар томонлама ҳамкорликни изчиллик билан ривожлантириш ва чуқурлаштириш, ҳамда иқтисодий ислоҳотлар ва демократик ўзгартиришлар йўлига амал қилишларини тасдиқлайдилар.

2-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси турли даражалардаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, иқтисодий интеграцион жараёнларга кўмаклашиш, ўзаро савдодаги турли хил тўсиқликларни йўқ қилиш, ҳамда жисмоний ва юридик шахсларга ўзаро хўжалик ҳамкорлигини амалга оширишлари учун мақбул ҳуқуқий тартиб яратиш мақсадида қўшимча чоралар кўрадилар.

3-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси умумий тинчлик ва хавфсизликни мустаҳкамлаш бўйича, хусусий икки давлатнинг манфаатларига алоқадор минтақавий муаммоларни ва бошқа масалаларни ҳал этишга алоҳида эътибор берган ҳолда, ўзларининг ташқи сиёсий фаолиятларини мувофиқлаштиришни кучайтирадилар.

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо бўлган мамлакатлар ташқи чегараларининг хавфсизлигини таъминлаш мақсадида маслаҳатлашувлар механизмини ишлаб чиқадилар. БМТнинг тинчликни ўрнатишга қаратилган ролини кучайтириш, Марказий Осиёда, Европада ва Осиё—Тинч океани минтақасида тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш мақсадида кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришга ҳаракат қиладилар.

Россия Федерацияси Ўзбекистон Республикасининг БМТ раҳбарлигида Тошкентда манфаатдор давлатлар иштирокида, минтақавий хавфсизлик ва ҳамкорлик масалалари бўйича доимий фаолият кўрсатувчи семинар ташкил этиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

4-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси илмий, техник, маданий ва инсонпарварлик ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича аниқ мақсадли дастурларни ишлаб чиқадилар ва амалга оширадилар.

Ушбу мақсадда давлат раҳбарлари ўз ҳукуматларига қуйидагиларни топширадилар:

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Уй-жой муаммосини ҳал этишда аҳолининг муҳтож табақаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашни ва уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишни таъминлаш, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва аҳоли маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикасида:

мулкчилик шаклларидан қатъи назар бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотлар, ҳокимликлар, уй-жой қуриш кооперативлари ва фуқаролар уй-жой қурилишининг асосий буюртмачилари ҳисобланадилар;

уй-жой қурилиши энг аввало мулкчилик шаклларидан қатъи назар бирлашмаларнинг, корхоналар ва ташкилотларнинг ўз молиявий маблағлари, ҳокимликларнинг маблағлари, фуқароларнинг қўлидаги пуллари ва жамғармалари, банкларнинг узоқ муддатли кредитлари, давлат мулкини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришдан тушадиган маблағларнинг бир қисми, давлатнинг ютуқли уй-жой заёмини тарқатишдан олинадиган маблағлар, иш билан таъминлаш жамғармаси маблағларининг бир қисми, шунингдек бюджет маблағлари ҳисобидан пул билан таъминланади;

уй-жой қурилишини бюджетдан пул билан таъминлаш аҳолининг муҳтож табақаларини, энг аввало кўп болали, кам таъминланган оилаларни, пенсионерларни, уруш ва меҳнат фахрийларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш ҳамда уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилиш тариқасида амалга оширилади. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги 1994 йилдан бошлаб ҳар йили Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига мазкур мақсадлар учун республика бюджетидан маблағ ажратишни кўзда тутсин.

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзнисқиболстат» қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки, Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари хусусий ва кооператив қурилишни бутун чоралар билан рағбатлантиришни назарда тутган ҳолда уй-жой қурилишига кредит ва бюджет маблағлари ажратишни кўзда тутсинлар.

Кўп болали, муҳтож оилаларнинг уй-жой қурилишини

(Давоми иккинчи бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

РЕСПУБЛИКАДА УЙ-ЖОЙ ҚУРИЛИШИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШГА ОИД ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши биринчи бетда).

таъминлаш учун корхоналар, ташкилотларнинг, хусусий корхона эгаларининг, тижорат тузилмаларининг ҳокимликларга аниқ мақсадни кўзлаб берадиган ихтиёрий бадаллари ҳар томонлама рағбатлантирилсин.

2. Хусусий, кооператив уй-жой қурувчи ёки кимошди савдоси орқали уй-жой харид қилувчи фуқаролар маблағларининг манбалари тўғрисида декларация тақдим этишдан озод қилинсинлар.

3. Қорақалпоғистон Республикасининг Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари тегишли вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

уй-жой қурилишини рағбатлантиришга оид амалий чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиб, амалга оширсинлар;

кўп қаватли уй-жой биноларини қуриш чоғида зарур тармоқлар мажмуи ва аҳоли учун қулайликлар яратилишини, 10 фоиз майдон савдо ва хизмат кўрсатиш соҳаси объектларига ажратиб берилишини кўзда тутсинлар;

якка тартибдаги ва кооператив уй-жой қурилишини мувофиқлаштирувчи хўжалик ҳисобидаги ҳудудий бошқармалар зиммасига ер майдонларини ажратиб бериш, фуқароларнинг узоқ муддатли кредит олишига доир ҳужжатларини тайёрлаш, ундан аниқ мақсад йўлида фойдаланишни назорат қилиш, уй-жой ҳамда муҳандислик инфраструктураси иншоотлари қурилишини техникавий назорат этиш, шунингдек, зарур бинокорлик материалларини тақсимлаш ва улар билан таъминлаш вазифасини юклансинлар.

4. Ўзбекистон Республикасининг Адлия вазирлиги бир ой муддат ичида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги, «Ўздавархитектқурилиш», Молия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар, идоралар ва ҳокимликлар билан биргаликда қуйидаги таклифларни ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин:

хусусий ва кооператив уй-жой қурилиши учун ҳуқуқий ва жисмоний шахсларга ажратиладиган ер майдонларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши учун ернинг сифатига, қаерда жойлашганлигига ва муҳандислик коммуникациялари билан таъминланганлигига қараб табақалаштирилган тарзда тўланадиган ҳақ миқдорлари тўғрисида;

ҳужжатларни расмийлаштириш қоидаларини мумкин қадар соддалаштиришни назарда тутган ҳолда ер майдонлари ажратиб бериш тартиби тўғрисида.

Уй-жой қурилиши учун бериладиган ер майдонларига тўланадиган пул маблағлари тўла-тўкис маҳаллий бюджетларнинг даромадларига қўшилади ҳамда уй-жой қурилишини пул билан ва уни магистрал, ер ости ва мавзе ичкарисидаги муҳандислик коммуникациялари билан таъминлашга тенг улушларда сарфланади.

5. Белгилаб қўйилсинки, уй-жой қурилишига банк муассасалари кредитларни камида 10 йил муддатгача йиллик 20 фоиз миқдорида, учинчи йилдан қарзни уза бошлаш шарти билан, қуйидаги миқдорларда беради:

хусусий иморат солувчиларга қурилиш қийматининг 50 фоизи миқдорида;

кўп болали, муҳтож оилалардан хусусий иморат солувчилар учун кредитлар уй-жой қийматининг 70 фоизи миқдорида 15 йил муддатга йиллик 15 фоизли ҳисоб-китоб шарти билан;

уй-жой қуриш кооперативларига қурилиш қийматининг 80 фоизи миқдорида.

Кредит муддатидан илгари тўланганида фоиз миқдорлари қуйидагича камайтирилади: уч йилгача — 50 фоиз, беш йилгача — 30 фоиз.

6. Ушбу фармоннинг 5-бандида кўрсатилган кредитлар қуйидаги шартлар асосида берилади:

гаров тўғрисидаги шартномаларни давлат рўйхатидан ўтказиш ҳақидаги муваққат низомга мувофиқ кўчмас мулк гаровга олиниб;

уй-жой қуриш кооперативининг аъзоси қурилиш қийматининг камида 15 фоизини банк муассасасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказган;

якка тартибда иморат солувчи қурилиш қийматининг камида 30 фоизини банк муассасасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказган ёки қурилиш қийматининг камида 30 фоизи бажарилган тақдирда.

7. Аҳоли уй-жой қуриш ва сотиб олишга фойдали шартлар асосида ўз маблағларини жамғариш учун махсус уй-жой ссуда-жамғарма ҳисоб варақалари тизими жорий этилсин.

Ўзбекистон Жамғарма банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки ва бошқа банклари билан биргаликда бир ой муддат ичида махсус уй-жой ссуда-жамғарма ҳисоб варақаларини амалга киритиш тартибини ишлаб чиқсин.

8. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги икки ой муддат ичида давлатнинг ютуқли уй-жой заёмини чиқаришни ташкил этиш ҳақида таклифлар киритсин.

9. Республикада ишлаб чиқарилган бинокорлик материаллари якка тартибда иморат солувчиларга ва уй-жой қуриш кооперативларига имтиёзли нархларда сотилсин. Айни вақтда имтиёзли нархларда бинокорлик материаллари сотувчи корхоналарнинг даромадларини қўшимча қиймат солиғидан озод қилинсин.

«Ўзбекбирлашув», «Ўзбексавдо» давлат уюшмаси, «Ўзқурилишматериаллари» давлат концерни ҳамда бинокорлик материаллари ишлаб чиқарадиган бошқа корхоналар ва ташкилотлар жойларда зарур бинокорлик материалларини биринчи галда хусусий уй-жой қураётган фуқароларга сотишни таъминласинлар.

10. Уй-жой қурилишини янада ривожлантириш мақсадида корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга ўз маблағларини жамлашни, шунингдек, якка тартибда уй-жой қуриш ёки уй-жой сотиб олиш учун махсус уй-жой ссуда-жамғарма ҳисоб варақаларига маблағ ўтказиш йўли билан ўз ходимларига молиявий ёрдам беришни амалда кенгроқ қўллаш тавсия этилсин.

11. Ўзбекистон Республикасининг Молия вазирлиги Адлия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Меҳнат ва зирлиги билан биргаликда Ўзбекистон Республикасининг Вазирлар Маҳкамасига қуйидагилар ҳақида таклифлар киритсин:

хусусий иморат солувчилар ва уй-жой қуриш кооперативларига имтиёзли нархларда бинокорлик материаллари сотувчи корхоналарнинг даромадларини қўшимча қиймат солиғидан озод қилиш тўғрисида;

ушбу фармоннинг 10-бандидаги шартларга мувофиқ уй-жой қурувчи корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотларнинг даромадларидан имтиёзли солиқ олиш ҳақида;

мулкчилик шакларидан қатъи назар, хусусий ва кооператив қурилиш соҳасида бинокорлик ҳамда махсус монтаж ишларини амалга оширувчи пудрат, таъмирлаш-қурилиш, махсус монтаж ташкилотларини бажарилган ишлар ҳажми учун қўшимча қиймат солиғи тўлашдан озод қилиш тўғрисида.

12. Ўзбекистон Республикаси Истиқболни белгилаш ва статистика давлат қўмитаси ҳамда Молия вазирлиги ҳар йили марказлаштирилган капитал маблағлар ҳажмини белгилаш чоғида хусусий ва кооператив қурилиш даҳаларига магистрал ва ер ости муҳандислик коммуникациялари қуришга маблағ ажратишни кўзда тутсинлар.

13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу фармонни бажаришга доир тегишли қарорни 10 кун муддат ичида қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мазкур фармондан келиб чиқадиган қўшимчалар ва ўзгартишлар тўғрисидаги таклифларни бир ой муддат ичида тақдим этсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 март.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

(Давоми. Боши биринчи бетда).

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган санъат арбоби»

Юсупова Офелия Юнусовна — М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг ректори

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими»

Маматова Ҳушрия (Азиза) Насимовна — М. Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг катта ўқитувчиси

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Абдуллаева Маҳсума Иўлдошевна — Тошкент шаҳар агрегат заводи тиббий-санитария қисми поликлиника бўлимининг мудири

Тожибоева Юлдуз Тожибоевна — II Тошкент давлат тиббиёт институтининг профессори

Ҳисамутдинова Ҳалифа Султоновна — «Фармация» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Навоий вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими»

Машраббоева Башорат Раиқовна — Чортоқ тумани 9-ўрта мактабнинг директори, Наманган вилояти

Шодиева Қумри Сайлиевна — Ф. Хўжаев номли педагогика билим юртининг ўқитувчиси, Бухоро шаҳри

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалик ходими»

Турсинова Жигагул — Нукус тумани «Дархон» ижара хўжалигининг бригада бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Ғаниева Тожибуви — Жиззах тумани Ҳ. Носиров номли жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Жиззах вилояти

«Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қурувчи»

Дедова Нина Даниловна — «Тошкентқурилиш» давлат акционерлик қурилиш корпорацияси 76-қурилиш бошқармаси бўёқчилар бригадаси бошлиғи

Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Алимова Гуландом Яхъёевна — Республика халқ таълими вазирлиги бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари

Алмаматова Муборак Мирзараҳматовна — Ўрта Чирчиқ тумани «Ўзбекистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Тошкент вилояти

Бекчанова Жумагул Сапаевна — Боғот тумани 20-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Хоразм вилояти

Жабборова Нанна Ғаффоровна — Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Тошкент вилоят қўмитасининг биринчи котиби

Ким Гликерья Борисовна — Сурхондарё вилояти хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари

Марупова Маръям Маҳмудовна — Пахтакор тумани алоқа бўлимининг катта алоқачиси, Жиззах вилояти

Минжасарова Зайнаб — Муборак тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Қашқадарё вилояти

Мирзаева Зебо Бойматовна — Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар марказининг бош муҳаррири

Мирзаева Шодмонхон — Шаҳрихон тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Андижон вилояти

Нарзуллоева Гулнора — Ғиждувон тумани «Гулистон» жамоа хўжалигининг бригада бошлиғи, Бухоро вилояти

Насруллаева Ҳафиза — республика хотин-қизлар қўмитасининг референти

Нуралиева Офтоб — Қувасой чинни буюмлар корхонасининг сараловчиси, Фарғона вилояти

Палуанова Санехан Ажиниязовна — Чимбой тумани аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ишлаб чиқариш бошқармасининг бичувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Рашидова Нодира Маҳмудовна — шоира, Тошкент шаҳри

Раҳимова Раъно Сафаровна — Жондор тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Бухоро вилояти

Раҳмонқулова Анзират Турсуновна — Сариосиё тумани меҳнат фахрийси, Сурхондарё вилояти

Раҳматова Мавжуда Ҳайдаровна — Қарши тумани «Чўли ота» жамоа-ширкат хўжалигининг маданий ва маиший ишлар бўйича ширкат раиси, Қашқадарё вилояти

Раҳмонова Тамара — Гулистон тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Сирдарё вилояти

Сададдинова Гавҳар Алимовна — «Дўстлик» шаҳри «Коинот» заводи қуювчиси

Султонова Раъно Бобожоновна — Элликқалъа тумани 28-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Қорақалпоғистон Республикаси

Тўйчиева Матлубахон Камолиддиновна — Бўз тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси, Андижон вилояти

Турдиматова Жамила Қодировна — Бектемир тумани хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари, Тошкент шаҳри

Урушбоева Қамбар Тиллаевна — Қуйи Чирчиқ тумани 33-ўрта мактабнинг ўқитувчиси, Тошкент вилояти

Файзуллабекова Людмила — Иштихон тумани хотин-қизлар қўмитасининг раиси, Самарқанд вилояти

Ўринбоева Жумагул — Паркент тумани акционерлик жамияти тикувчиси, Тошкент вилояти

Қосимова Тохтахон Аъзамовна — Гулистон шаҳар ҳокимининг ўринбосари, Сирдарё вилояти

Ҳамробоева Сайдинса — Тўрақўрғон тумани З. Бобур номли жамоа хўжалигининг аъзоси, Наманган вилояти

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1994 йил 5 март.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БИЛАН РОССИЯ ФЕДЕРАЦИЯСИ ЎРТАСИДА ҲАР ТОМОНЛАМА ҲАМКОРЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТЎҒРИСИДА

ДЕКЛАРАЦИЯ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. КАРИМОВга

Россия Федерацияси Президенти Б. Н. ЕЛЬЦИНга

(Давоми. Боши биринчи бетда).

— маданият марказларини ташкил қилиш бўйича битимни тайёрлаш. Ушбу битимда марказлар ўз фаолиятларини олиб боришлари учун керакли жой билан таъминлашни ўзаро тенг принципга асосланган ҳолда амалга ошириш кўзда тутилади;

— ҳар йили Россияда Ўзбекистон Кунларини ва Ўзбекистонда Россия Кунларини ўтказишни таъминлаш;

— илмий-тадқиқот муассасалари ва объектлари негизида, жумладан, космик фазони тадқиқот қилиш соҳасида, қўшма ташкилотлар тузиш тўғрисида битим тайёрлаш;

— 1993 йил 19 мартдаги маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги Битимга мувофиқ, бир давлатнинг бошқа давлат ҳудудидаги, йўқолган ёки қонунга хилоф равишда олиб чиқилган маданият ёдгорликлари билан боғлиқ бўлган масалаларни кўриб чиқиш ва уларни ҳал қилишга доир таклифларни тайёрлаш бўйича қўшма давлатлараро эксперт комиссиясини ташкил этишни тезлаштириш.

5-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси 1992 йил 15 майда Тошкентда имзоланган Коллектив хавфсизлик тўғрисидаги Шартноманинг муҳим аҳамиятини тасдиқлаб, бу мақсадда зарур ҳуқуқий базани ривожлантириб, ҳарбий соҳада ҳамкорликни чуқурлаштириш ва такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатларини давом эттирадилар.

6-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўз ҳудудларида яшовчи барча шахсларга уларнинг миллати, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодидан қатъи назар, халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган нормалари, яшаб турган мамлакатлари Конституциясига мувофиқ фуқаролик, иқтисодий ва маданий ҳуқуқ ва эркинликлар берилишига кафолат берадилар.

Ушбу мақсадда Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўз ҳудудларида миллий озчиликни ташкил қилувчиларни таҳқирлашга йўл қўймаслик учун барча зарур чораларни кўрадилар, ирқий ёки миллий, диний ва сиёсий эътиқодга мансублик аломатига биноан шахслар ёки гуруҳларга қарши душманлик ёки зўравонликка чақирувчи ҳар қандай ҳатти-ҳаракатларнинг олдини олиш ва чек қўйиш учун самарали тадбирларни қўллайдилар.

7-модда

Давлатлар раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ҳукуматларига қуйидаги битимлар (шартномалар) лойиҳаларини тайёрлашни топширадилар:

— консуллик масалалари бўйича;

— ўзаро ҳуқуқий ёрдам тўғрисида;

— бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқаросининг фуқаролик ва ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ масалалар бўйича;

— жиноятчилик, айниқса унинг уюшган шаклига қарши курашда ўзаро ҳамкорликни кучайтириш тўғрисида;

— миграция билан боғлиқ масалалар бўйича.

Кўрсатилган ҳужжатларда, хусусан, қуйидагилар кўзда тутилиши керак:

— Ўзбекистон Республикаси ёки Россия Федерациясига доимий яшаш учун келаётган иккала давлатлар фуқароларининг яқин қариндошлари тегишли фуқароликни қабул қилиши учун соддалаштирилган тартибни кафолатловчи қоидалар;

— бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқароси яшаётган давлатидаги фуқаролар билан бирга ҳуқуқ ва мажбуриятларда тенглиги, ўзаро келишиб олинган истисноларидан ташқари;

— бир давлат фуқаросининг бошқа давлат корхоналарида ва ташкилотларида контракт бўйича ишлашига рухсат бериш, давлатларнинг тегишли қонунчилигида кўзда тутилган чеклашлар бундан мустасно;

— бир давлат фуқароларининг бошқа давлат ҳудудида ҳаракати ва яшаши билан боғлиқ расмиятчиликларни имкони борича соддалаштириш;

— иккала давлатлар фуқароларининг эркин визасиз, ҳеч қандай солиқларсиз, рўйхатга олишсиз ва бошқа маъмурий чеклашларсиз сафар қилишлари учун кафолатлар, қонунбузарчилик ва учинчи давлатларга чиқиб кетиш ҳоллари бундан истисно;

— фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан Россия Федерацияси ҳудудига ўтишлари ва аксинча, уларнинг шахсий юкларини божхона текширувларидан ўтказишни бекор қилиш, фақат қурол, наркотик ва психотроп моддалари, валюта ва маданий зийнатларни олиб чиқиб кетилаётганига етарли асослар мавжудлиги ёки божхонанинг бошқа қоидалари бузилиши мумкин бўлган ҳоллар бундан истисно;

— миллий валюталарнинг эркин алмашуви ва алмашиш пунктлари ташкил этилиши ва фуқаролар ва юридик шахсларнинг пул активларини бир давлатдан иккинчисига ўтказилишини таъминлаш;

— бошқа давлат ҳудудида яшовчи бир давлат фуқаросига, ўз мулкини сотиб олиш, эгалик қилиш, сотиш, ёки ихтиёридаги мулкни бошқа шаклларда ишлата олишини кафолатлаш.

8-модда

Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси бундан кейин ҳам Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг мустаҳкамланишига ва унинг доирасида улар иштирокида имзоланган шартномалар ва битимларнинг амалга оширилишига ҳар томонлама кўмаклашадилар.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. А. КАРИМОВ.

Россия Федерацияси Президенти
Б. Н. ЕЛЬЦИН.

Москва, 1994 йил 2 март.

(Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига сафари чоғида имзоланган ҳужжатларнинг қолганлари газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида эълон қилинади).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Россия Федерациясига биринчи расмий ташрифининг муваффақиятли якунлари билан чин дилдан табриклаймиз. Ўзбекистон ва Россиянинг миллионлаб фуқароларининг энг муҳим манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги ишончли ҳамкорликни ва давлатлараро яхши муносабатларни мустаҳкамлаш ишида сизларга янгидан-янги ютуқлар тилаймиз.

В. Видренкова — «Ўзэлектроаппарат» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 1-цехи устаси

С. Зинин — Рус маданият марказининг раиси, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, филология фанлари номзоди

Г. Пугаченкова — Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги

В. Пшеничников — Бухоро рус маданияти марказининг раиси

П. Саулькин — Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент вилояти Чиноз туманидаги «Дўстлик» жамоа хўжалигининг раиси

В. Сигедин — Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори

А. Хлебушкина — Ўзбекистон Республикаси халқ депутати, Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент шаҳридаги 22-болалар уйининг директори.

ХАЛҚАРО СИМПОЗИУМ

Ўзбекистон Марказий Ёшлар Иттифоқи қўмитаси ташаббуси билан республикамиз пойтахтида Россия, АҚШ, Германия, Жанубий Корея мамлакатларининг элчихоналари вакилларининг етук мутахассислари иштирокида «Ишбилармон ва тадбиркорларнинг халқаро симпозиуми» бўлиб ўтди.

Симпозиумда республика Марказий Ёшлар Иттифоқи қўмитасининг биринчи котиби Алишер Тешабоев мамлакатимиз аҳолисининг 40 фоизини 30 ёшгача бўлган ёшлар ташкил этишини таъкидлаб, ҳукуматимиз уларнинг билим ва малака олишлари учун ғамхўрлик қилаётганлигини қайд этди.

Мустақил давлатимиз ёшларини ишбилармон, тадбиркорлари қилиб тайёрлаш учун улар ҳали кўп ўқиши, ўрганиши керак. Халқаро симпозиумда сўзга чиққан бошқа нотиқлар ҳам ёшларни тижорат ишларига жалб этишда жаҳоннинг ривожланган мамлакатлари тажрибасидан кенг фойдаланиш хусусида гапирдилар.

Маъмуржон ҚИЕМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

• ХДП: сиёсий ташкилот нуфузи

ҲАР БИР НАРСА ЎЗ НОМИ БИЛАН АТАЛАДИ

Муқаддас юртимиз Ўзбекистон Республикаси ривожланиш, янгиланиш сари юз тутди. Сиёсий партияларнинг фаолияти ҳам бундан мустасно эмас. Эндиликда амалий ҳаракатлар айрим назарий қоидаларни такрорлаб, ақидапарастликка берилиб кетишда эмас, балки уларни ҳаётга изчил сингдиришга, Ватанимиз миллий истиқлолини мустаҳкамлашдек долзарб ва шарафли ишга Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг муносиб ҳиссаси қўшилишини таъминлашдадир. ХДП туман кенгаши бу борадаги вазифаларни аниқ белгилаб, партиявий-ташкилий, тарбиявий ва оммавий ишларни кенг йўлга қўймоқда.

Ҳозирги пайтда 64 та бошланғич партия ташкилоти бўлиб, уларга жипслашган 2350 дан знёд ишчи-деҳқон, хизматчи ва зиёли ўзининг партиявий бурчини сидқидилдан адо этишга ҳаракат қилмоқда. Айниқса, партия аъзолари ҳисобига ўстириш бошланғич партия ташкилотлари ва туман кенгашининг муҳим вазифасига айланган. 1993 йилнинг ўзида 650 дан ортиқ киши партия сафига қабул қилинди. Айни чоғда жамоаларда ЎзХДПнинг Низоми ва Дастурини атрофлича ўрганиб, ўз тақдирини партия ҳаёти билан боғлаётганларнинг сони ҳам ошиб бормоқда. Бу Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг обрў-эътибори ва нуфузи ортаётганидан, сафлари тобора мустаҳкамланиб бораётганидан далолат беради.

Партия сафларини ўстириш ва партиявий ишлар таъсирчанлигини таъминлаш мақсадида туман партия кенгаши ҳамон изланишда. Миллий истиқлол мафкурасини омма орасида тарғиб-ташвиқ қилишда фаоллик кўрсатмоқда. Асосий диққат-эътиборни аҳолининг ижтимоий аҳволини яхшилашга, кишилар ўртасида эзгу инсоний фазилатларни тарғиб этишга қаратмоқда. Жойларда ижтимоий масалаларга бағишланган ҳар хил тадбирлар ўтказилмоқда. Бунда маҳалла қўмиталари фаолларининг тажрибаларидан самарали фойдаланяпмиз. Улар қадриятларимизни тиклашда, турмушимизга миллий жўшқинлик бағишлашда ғайрат-шижоат кўрсатмоқдалар. Маҳаллалар ўрамида ташкил этилган ҳудудий партия ташкилотлари кишиларни юртимиз истиқлолига қатъий ишонч билан қарашга ва эътиқодли бўлишга ундамоқда. Шу мақсадда мазмунли ва қизиқарли тадбирлар уюштирилмоқда.

Бу ерларда республикамиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш юзасидан партиямиз олиб бораётган тадбирлар кенг тушунтирилянпти. Жамоа хўжаликлари, ташкилот ва корхоналарда маърифат марказлари ишлаб турибди. Халқ билан бевосита мулоқотда бўлиш, маънавий янгиланишни шакллантириш партия Дастури ва Низомида ўз ифодасини топганлиги ҳақида қизиқарли суҳбатлар ташкил этиляпти. Шундай дилтортар мулоқотларимизнинг бири «Олтин водий»жамоа хўжалигининг Арслонбек Аббосов бошлиқ бригадасида бўлди. Камтарона, ортиқча дабдабасиз бўлган суҳбатдан кейин бригада бошлиғи «Тез-тез кўришиб, шундай гаплашиб турсак, яхши бўларкан, анча нарсаларни ўргандик», — дея миннатдорчилик билан кузатди. Бу билдирилган фикр-мулоҳазалар кўпчиликнинг кўнглига етиб борганинг ўзига хос ифодаси эди.

«Шерқўрғон» жамоа хўжалигининг Инъомжон Холиқов раҳбарлик қилаётган бригадасига йўлимиз тез-тез тушиб туради. Оддий деҳқонлар даврасида бўлиш, улар билан бир пиёла чой устида ширин суҳбат қуриш қанчалар завқли. Шундай учрашувларнинг бирида бригада етакчиси билан бир қаторда бир неча пахтакор шу ернинг ўзида ХДП аъзолигига қабул қилишини сўраб ариза берди. Қарабсизки, партиядошларимиз сони яна бир неча кишига кўпайди.

Туман кенгаши ХДП аъзолигига янги қабул қилинаётганларга билетлар топшириш маросимларини тантанали ўтишига ҳам алоҳида эътибор бермоқда. Шаҳрихон қурилиш созлаш бошқармасида партия билетлари топширилаётган пайтда янги партиядошларимизнинг ҳар бирига гулдасталар ҳам тақдим этдик. Кимларгадир оддий кўринган бу муносабатдан кўпчиликнинг кўнглига умидбахш ҳарорат киргани кишиларнинг ёруғ юзларидан, шодон ҳатти-ҳаракатларида аниқ намоён бўлди.

Шу ўринда яна бир ҳаяжонли ва эътиборли мисолни келтириб ўтишни истар эдим. «Ўзбекистон» жамоа хўжалиги бошқаруви ва бошланғич партия ташкилоти Юқоришаҳрихон қишлоқ кенгаши билан ҳамжиҳатликда ажойиб бир таклиф билан чиқдилар. Улар «Саҳоват» маҳалласида вояга етиб, шу ерда меҳнат қилаётган ёшлар — Дадабек ва Зиёдахон, Қосимжон ва Дилфузахонларнинг никоҳ тўйларини бир жойда — 42-мактаб боғида ўтказишди. Бу кун келин-куёвларнинг бир умрга ёдларида қоладиган бўлди. Чунки ёшларга ХДП аъзолиги билетлари ҳам уларнинг қувончли дамларида топширилди. Ёшларнинг никоҳ тўйлари партиядошларнинг тўйига айланиб кетди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси туман кенгаши туман ҳокимлиги ҳамда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда республика Президенти, ХДП раиси И. А. Каримовнинг қатор рисола ва нутқлари юртимиз келажагини белгиловчи дастуриламал эканини холис баҳолаб, жойларда кенг кўламда ўрганиш тадбирларини амалга оширмоқда. Шу нуқтаи назардан Абдусамад дам олиш масканида шаҳрихонлик ёш ижодкорлар давра суҳбати жуда жонли ўтди. Юртбошимизнинг ёш ижодкорларга кўрсатаётган ғамхўрлиги алоҳида таъкидланди. Давра суҳбати иштирокчилари бунга ижодий меҳнат билан жавоб бериш ниятида эканликларини изҳор этдилар.

Навоий номли жамоа хўжалигида ташкил этилган тадбирда шу ерда кўп йиллар самарали меҳнат қилган кишилар эъзозланди. Мураббийлар ёшларга партия билетларини топшириб, уларни юксак ишончга содиқ бўлишга ундадилар.

Келажаги буюк давлат — Ўзбекистонимизнинг эртаси ёшларники. Ёш авлодни халқпарвар, фидойи этиб тарбиялашда боболар мероси асқотади. Ёшлар ота-боболари ишининг давомчилари бўлишлари зарур. Шаҳрихонни ҳунармандлар юрти эканини ҳисобга олганда, бу йўналишда ҳам дадиллик кўрсатиб ишлашимизга тўғри келмоқда. Шаҳрихонлик донғи кетган ҳунармандларнинг бой меросини кўпчиликнинг мулкига айланишига ҳисса қўшяпмиз. Бешикчи уста Зокиржон ака сулоласининг 200 йиллигини ўтказиш мақсадимиз бор. Бу ниятимизни устанинг ишини давом эттираётган фарзандлари хурсандчилик билан қабул этдилар. Бўлажак тадбир миллий қадриятларни эъзозланишига хизмат қилиб, ҳунармандчилик бобида янги номлар кашф этса ажаб эмас.

Давр ҳар бир нарсани ўз номи билан аташни ўргатмоқда. Партиямиз фаоллари халқ билан ҳамнафас бўлиб, ўз олдиларидаги мураккаб ва масъулиятли вазифаларни теранлик билан адо этадилар.

Мухторжон ОТАБОЕВ,
Шаҳрихон туман партия кенгашининг биринчи котиби.

СИЗ МОҲИ ТОБОНСИЗ, МАЛАКСИЗ, ПАРИ...

ҚЎЛИНГНИ СИЛАЙДИ ФАРИШТА

«Аёл қанчалик кўп қийналса, шунчалик кўпроқ фаришта-га айланади». Бу гапни қачон, қаерда эшитганингни эслай олмайсан. Рости, эслашга мадоринг йўқ. Ярим тунда йиғлай-йиғлай зўрга уйқуга кетаётган чақалоғинг бешигини оҳиста тебратиб кўзинг илингандай бўлади, аммо бир қўлинг бешикда. Агар қўйиб юборсанг сезгир чақалоқ яна йиғлай бошлайди. Қўлларинг толиқиб кетса-да, уни уйғотиб юбормаслик учун қўлингни бешикдан олмайсан. Қум тиқилгандай ачишаётган кўзларингни юмган пайтинг кимдир қўлингни силай бошлайди. «Ким» деб секин кўзингни очасан. Ҳеч кас йўқ. «Вой-бу, бунча кўп йиғлайди, бешикдан еч, қучоғингга олиб ёт» — деб, бошқа хонага ўтиб кетган умр йўлдошинг шу пайт ширин уйқуда. Олам ором оғушида.

Қўлимни кимдир силади ёки шундай туюлдимикан? Шундай қўлки, онамнинг қўлидай азиз. Шундай қўлки, жуфти ҳалолимнинг қўлидек иссиқ. Фаришта силаб кетдимикин, хаёлингга келган фикрдан сергак тортасан. Бешикка тақилган кўзмунчоқлар жовдираб тикилади сенга. Улар умидингнинг кўзчалари.

Уйқунг қочиб кетади. Секин гўдагингга қарайсан. У узун-узун киприкларини пирпиратиб уйқу аралаш тамшаниб қиқир-қиқир кулади. Ажаб, чақалоқ уйқусида қандай ширин кулади-я.

Гоҳ йиғлайди, гоҳ ухлайди, гоҳ мана бундай кулади. Бешик боласи — бек боласи. У хоҳлаганини қилади. Сен билан ҳисоблашмайди. Чарчадингми, толиқдингми, уйқунг келяптими иши йўқ.

Яна бешикни оҳиста тебратиб алла айтасан:

Алла-ё, алла,
Ўрмонларда айиқчалар ухлади,
Қирғоғида қайиқчалар ухлади,
Кўзичоғу, тойчоқ ухлаб ётибди,
Кўзларида мунчоқ ухлаб ётибди.
Алла-ё, алла...

Секин уйқуга кетган гўдакдан сўнг, ўзинг ҳам мудрай бошлайсан, шу пайт яна кимдир қўлингни силайди. Оққуш силаяпти — деб қўйсан уйқу аралаш ўзингга-ўзинг. Йўқ, қўлимни кийик ялаяпти... Хуллас, уйқуга кетасан. Эрталаб чақалоғинг кийимларини алмаштираётиб, яна хаёлга толасан. Ростдан қўлимни ким силади экан-а? Фаришталарми? Бўлмаса ким? Фақат фаришталар уйғоқ бўлишади ва улар сенинг уйғоқлигингни кўриб сафларига, қўймоқчи бўлишади. Балки қанча кўп қийналса, шунча фаришталга айланади, деганлари шу лаҳзаларинг учун айтилгандир...

* * *

«Сен аёлсан — шу билан ҳақсан». Ҳақ бўлмоқ нақадар мушкул. Айниқса, сен ноҳақсан дегувчилар ёнида, касби-кори чайқов ва чақув, емиши — фисқ, ичмиши — фасод бўлганлар орасида...

Барибир яхшилар кўп дейсан хўрсиниб. «Ҳақиқат дарёсини кечган одамнинг боши эгик, кўзида ёш бўлади», дейдилар. Негаки ҳақиқат дарёсига кўп тошу тиғлар отилган, ундан кечган одам ўша тош ва тиғлар устидан юради. Тош ва тиғ бу аёл-ку, дея сенинг тавонингни силамагай, ўпмагай.

Бу қандайин аёл ўзи,
Кулар мисли қўнғироқ.
Нафасидан оққуш сузар
Кўз ёшида қизғалдоқ.

Сочларида қирқта қамчи,
Белларини боғлабдир.
Қирқ қамчидан қирқ чилтонлар,
Қирқ кечалар йиғлабдир.

Бош қоронғу бўлса, йўлбарс
Юрагини берибдир.
Чилласида қаҳратонлар,
Олтин олма терибдир.

Бу қандайин аёл ўзи,
Қайғу йироқ, ғам йироқ.
Қулоғидан ўпа-ўпа
Тилло бўлди ойбалдоқ.

Ман-ман деган аждаҳолар
Ўтади салом бериб.
Этагида мусичалар
Яшайди ризқин териб.

Бу қандайин аёл ўзи,
Тўкилади тутлари.
Оёғига бош қўяди
Ҳатто ёвнинг итлари.

Учратмайсан олис баҳор,
Олмиш хушбўй исини.
Аммо тунлар йиғлагайсан
Айтиб-айтиб исмини...

Зулфия МУМИН.

Гулгун чеҳраларда баҳор нафаси. Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат-лавҳа.

• *Сиёсат майдонида аёллар*

СЕН ЧИРОҚСАН, ТАНСУ...

Менинг қалбим — хабарлар чорраҳаси. Дунёнинг тўрт тарафидан келаётган овозлар қалбимда кесишади ва бутун вужудимга акс-садо беради; Қувонч, Ташвиш, Фожиа...

Аммо бу хабар...

«...Ислом дунёсининг икки йирик мамлакати Туркия ва Покистон Бош вазирларининг барча хавф-хатарларни билган ҳолда Саройбоснага ташриф буюришлари ўлка халқига жиддий кўтаринкилик бағишлади. Чиллер билан Бхутто Загребда учрашди. Ҳар эҳтимолга қарши бирор кор-ҳол бўлгудай бўлса, БМТ жавобгарлигини ўз бўйнидан соқит қилганлигини ифода қилувчи ҳужжатга имзо чеккан бу икки аёл — Бош вазир — ҳароба пойтахтга НАТО учоғида жўнаб кетдилар...».

«...Тансу Чиллер: «Бу замин халқига, дардига шерик ва босналикларнинг ёлғиз эмаслигини кўрсатиш керак эди. Бизнинг ниятимиз шу», — деди ва босналикларни қирғин қилишни тўхтатишга чорлади».

Тансу, Сен менинг заифгина Умидим боғланган ишонч дарахтисан.

Сенга ҳавасим келади: сени кўраётган қорачиғларга, сасингни эшитаётган қулоқларга, изларинг тушган тупроққа ҳавасим келади. Чунки, Сен исмингга хиёнат этмадинг. Тансу — танаси сувдан дегани. Тоза жисмда тоза рух макон этади. Сен сўзингга хиёнат этмадинг.

Қарада бўлиб ўтган Биринчи Дин қурултойида Сен «Не бахтки, бизлар Оллоҳи ягона бўлган диннинг вакилларимиз» — деган эдинг минбарда туриб. Амалдорнинг айтган гаплари ҳар доим ҳам дилига рост келавермайди. Сенинг эса тилинг билан дилинг бир чиқди.

Энг муҳими, Сен хотиранга хиёнат этмадинг. Хотира — бу тирик қон. Унда ота-боболар ёди яшайди. Хотира бизга ош-нон, мансаб, машина, қўйингчи, бу дунёнинг омонат фароғатларини бермайди. Фақат у бизни компас каби тўғри йўлга солиб туради. Ўз жигари, ўз қонидан бино бўлган жон куйса — оғрийди, нола қилади, ёрдамга чақиради.

Сенинг Саройбоснага ташрифинг шу қоннинг иши.

...Тансу, тириклик оламида ёлғизликдан ёмон фалокат йўқ. Айниқса, бошингга кулфат тушганда, айниқса, саройбосналик туркийлардек бегуноҳ бўлганингда.

Бундай пайтда дунё зимистонга ўхшайди. Тансу, Сен ана шу зимистон чодир ёйган кўнгилларга чироқ бўлдинг.

Мен Сени умрим охиригача унутмайман. Севги билан ёдлайман, соғинаман, дуо қиламан, ихлос билан илтижо қиламан: Тангрим ҳар муслиму-муслимага Сенинг йўлингни берсин. Чунки, куч — бирликдадир.

Бахт

Фароғат

Тинчлик — бари бирликда!

Бир-бировига мададда.

ҚУТЛИБЕКА.

«...Серблар қўл остида бўлган Саройбосна аэропорти билан шаҳар маркази орасидаги хавфли йўлни БМТ Қуролли Кучлари таркибидаги миср лик аскарлар қўшовида пўлат совут кийиб ўтган Чиллер ва Бхутто хонимларни то вазирлар саройига етиб келгунча босналиклар олқишлар билан кутиб олди...».

БЕНАЗИР ХОНИМГА ЧАМБЕЛИДАН ГУЛДАСТА

Айрим қарашларда Шарқ аёллари тобе мавқеини эгаллаб келганлар, дейилади. Бундай фикрлаш ноўриндир, аксинча, улар ҳамиша юксакликка ҳар томонлама муносиб. Бунга тарихни сўзлатганда, ҳаётга теран назар солганингизда иқрор бўласиз. Ҳозирги кунда умуминсоний дардни ўз ғамидек қабул қилиб, халқи, Ватани учун қалб қўрини, онгли меҳнатини сарфлаётган Беназир Бхутто хоним аёлнинг, Шарқ аёлининг нелларга қодирлигини исботлаб турибди.

Сиёсий фаолият билан ёшлигидан шуғулланган, атрофдагиларнинг шивир-шивирига, нозу фироқларига, инжиқликларига сира тоқати йўқ ёш Беназир ўзининг ўктамлиги, фозилалиги, шарифлиги билан тенгқурларидан ажралиб турарди. Майда-чуйдалардан ўзини юксак тутарди. У мураккаб носозликларини тез илғайдиган оғир, қийин йўллардан чекинмайдиган ҳақиқий ирода соҳибаси эканлигини бутун жаҳон сиёсатчилари тан олишди.

Беназир хонимнинг ҳар томонлама баркамол бўлишида онлавий муҳит катта таъсир кўрсатган. Отаси Зулфиқор Бхутто халқпарвар сиёсатчи бўлиб, Беназирнинг илм олишига алоҳида эътибор берган. Онаси унга ёшлигидан мусулмончиликнинг фарзларини, уй-рўзғор тутумларини, аёллик бурчини ўргатиб борган. Беназир Америкада Рэдклиф университетида таълим олгач, Англияда иш фаолиятини бошлаган пайтлардаёқ турли доираларда ўзининг билимдонлиги билан тез танилади.

1977 йилда Зульфиқор Бхутто Беназирни ўз Ватанида ишлашга ундайди ва у бу ердаги Покистон делегациясининг котиби лавозимида иш бошлайди. Отаси унга сиёсат доирасидаги мураккаб вазиятларни, чигал зиддиятларни ўргатиб боради. Беназир ўз навбатида, кейинчалик отасидан олган саборини, ўрганган билимларини бехато «нишонга» ура бошлади. Покистон Бош министри лавозимида ишлаб, кескин рақобатга дуч келган Зульфиқор Бхутто вафот этгач, Беназир Бхутто Покистон халқ партиясига раҳбарлик қилиб, бир неча ойлар мобайнида кескин курашлар олиб боради ва зиддиятли тўқнашувлардан кейин халқининг қўллаб-қувватлаши натижасида Покистон Бош вазири этиб тайинланди. У сайловолди учрашувларида қатнашиб юрган пайтлари ўғли Билавалга ҳомиладор эди. Шунга қарамасдан халқ ичига кириб, унинг оғир-енгилини, дардларини тинглади. Минглаб покистонликлар қўшовида тушунтиришлар олиб борди, камбағал оилаларнинг аҳволидан хабар олди.

Бхутто хоним Бош вазир лавозимида ишлаб юрган кезлардаёқ Покистон сиёсатчиларини доғда қолдириб қамоқда ётган кўпгина сиёсатчиларни озод этди, мамлакатнинг тинч, фаровон ҳаёти учун кеча-ю кундуз тинмади. Илмий таълим ўчоқларини тиклашда, маданий-иқтисодий соҳаларда каттакатта ижобий бурилишлар ясади. Журналистларни, турли сиёсий оқимларни ҳудабеҳуда таъқиб қилишга барҳам берди. Натижада халқнинг раҳбарига айланди.

1990 йилда ҳукумат тепасига келган реакцион кучларнинг кўпгина уринишларидан сўнг Бхутто хоним истеъфога чиқди. Бу орада унинг турмуш ўртоғи Асифа Али Зардари коррупцияда айбланиб, қамоққа олинди. Икки қиз ва бир ўғилга она бўлган Беназир хоним ҳаётнинг қаттиқ зарбаларига дуч келиб, руҳан изтироб чекса-да, иродаси букилмади. У мухолифат доирасини бошқариб ўз эътиқоди йўлида курашни давом эттирди. Унинг эндиги уриниши ҳақиқий курашдан иборат эди. Беназир хоним илдам одимлаётган йўлга ҳатто укаси Муртаза қарши чиққанида, ҳам, орқага чекинмади. Халқ билан, фақат халқ билан бўлди ва бунинг эвазига халқи унга яна бир карра ишонч билдириб, юксак мартабага кўтарди.

Беназир Бхутто иккинчи марта — 1993 йил 6 октябрда Покистон Бош вазири этиб тайинланди. Бу билан нафақат сиёсий доирага, қайтди, балки катта сиёсий доирани енгди ҳам. Бу ҳақиқий ғалаба эди. Ҳозирги кунда Бхутто хоним нафақат Бош вазир, балки фарзандларига севимли она, уй бекаси ҳам...

Мен Бхутто хоним ҳақида айрим маълумотларни сўрагани Покистон элчихонасига борганимда, у ердаги жанобларнинг айтишича, Покистонда аёллар учун мотия, чамбели, гулоби атиргуллар энг яхши совға ҳисобланаркан. Шунда ўзимча ўйладим: шафқатсиз курашда музаффар келиш учун, аёллик нозиклигию нафислигидан, мулойимлигию кўнгилчанлигидан ўзи завқлана олмай, халқи учун, тинчлик учун мардона қаттиққўллик, бир сўзли, кескирликни ўзига хислат этган олийжаноб аёлларга, жумладан, мадам, Бхуттога (уни халқи шундай деб суяркан) унинг севган халқи мотия, гулоби, атиргул, чамбели каби хушбўй, нафис гуллардан гулдасталар, гулчамбарлар ҳадя этиши табиий.

Меҳри АЛИМҚУЛОВА.

Токи ер юзида биттагина аёл мавжуд экан, улар ҳақида ҳамиша нимадир янги гап айтиш мумкин.

С. БУФФЛЕР.

Аёл — муқаддас зот, севган аёлинг ундан икки бор муқаддасдир.

А. ДЮМА.

БУЮКЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Аёлларнинг энг гўзали ҳаё ва иффат пардасига ўралганларидир.

СУҚРОТ.

• *Санъат*

ДЎППИ КИЙДИМ, ИПАКЛАРИ...

У камгап. Ерга термулиб ўтираверади. Мен тўрт оғиз гап айтсам, у бир «оғизгина» қилиб сўзлаб қўяқолади. Кейин ўзим ҳижолат тортаман. «Ё тавба, қўшиқчиям шунчалар содда, шунчалар камгап бўлар экан да», деб қўяман. У бўлса...

Замирани танийсиз. Доим дўппи кийиб юради. Қўшиқчи. «Зарафшон» деган бир даста бор, шунда ишлайди. Ўзи асли Самарқанднинг Жомбойидан. Бешинчи синфда ўқиб юрганида «Санъат ғунчалари» деган кўрсатувда чиқиб қанча шов-шувлар бўлган. Э, нимасини айтасиз, у пайтнинг шов-шувлари, довруғлари бўлакча эди-да. Бугун уч яшар болакай бийронгина гапириб, кўпчиликни лол қолдирса ёки қўшиқ айтса қўл силтаб қўямиз.

УЗИНИНГ ГАПИ:

— Отам раҳматли уйга доим қўшиқ пластинкаларини ва энг нодир китобларни йиғарди. Мен бўлсам у кишини ҳали-жонига қўймай тушунмаган сўзларимнинг изоҳини сўрайверардим. Сира оғринмасди. Аксинча, қўшиқ айтишга кўнглим борлигини сезиб, ўша пайтлардаёқ «қизим, мақом йўлидагиларни кўпроқ эшит, айтсанг, мақомдан айт» дердилар.

Биринчи устозим раҳматли Исоқул Равшанов деган тарих муаллими эди. Домла мусиқани, санъатни ғоят нозик тушунарди. Мусиқадан ўқитувчи йўқ эди-да. Саккизинчи синфдалигимда вилоят санъат байрамида қатнашдим. Унда машҳур халқ артисти Саодат Қобулова иштирок этган эди. Ўшанда...

Замиранинг хотирасида бир умр қолиб кетган воқеа содир бўлди. Мактаб ўқувчиларининг чиқишларини синчковлик билан кузатиб ўтирган Саодат опа ана шу жажжи қизалоқнинг жарангдор овозини тинглаб, эриб кетди. Саҳнада «Дугоҳ Ҳусайн—IV»ни берилиб ижро этаётган Замирани барибир саҳнанинг «юки» босди. Қўшиқ тугагач... Опа сўз олиб «Қизим, овозинг бор экан-ку, нега яхши айтмаяпсан» дея ҳам мақтади, ҳам танбеҳ берди.

Ҳал қилувчи босқичда «Дугоҳ»ни куйлади. Ана шундан сўнг Саодат Қобулова саҳнага чиқиб Замиранинг қўлига гул тутқазиб, пешонасидан ўпди.

Орадан кўп йиллар ўтди. Замира аввал Беруний номидаги мактабгача тарбия педагогика билим юртида, кейин Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида таҳсил олди. Техникумда Нар зиқул Каримов, институтда таниқли бастакор Раҳматжон Турсуновлар устозлик қилишди. Шунингдек, Исоқжон Катаев ҳам унга қўшиқчилик сирларини ўргатди.

Кейин... яна кўп синовлар бўлди. 1987 йили Москвада бўлиб ўтган II Бутуниттифоқ халқ ижодиёти фестивалида иккинчи ўринни, 1989 йили Ўзбекистонда биринчи бор ўтказилган «Камолот» танловида ҳам иккинчи ўринни эгаллади. Ана шундан сўнг Замира—Замира Номозова бўлди.

Бугун ажойиб бастакорлар Ўлмас Расулов, Шавкатжон Мирзаев ҳамда Исматулла Раҳматуллаевлар унга устозлик қилишяпти.

Унинг мақомчилик санъатидек мураккаб йўлда ҳали яна қанча заҳматлар чекиши мумкинлигини ўйласам, тўғриси, қўрқиб кетаман. Нега? Чунки бу йўлдан катта карвонлар ўтиб кетган. Уларнинг ўлмас руҳлари бугун ҳам яшаяпти, кузатиб туришибди. Бугун ана шу нозик ва ажойиб санъатнинг фидойилари босиб ўтган йўллардан юрмоқ осонмас. Бу бетакрор дунёга кириб бир умр ана шу муқаддас руҳларга суяниб, сиғиниб ўтмоқ ҳам ҳар кимга насиб қилавермайди. Мен бу билан Замира ва унга ўхшаб мақом йўлида эндигина уч-тўртта яхши қўшиқлар ижро этган санъаткорлар бу манзилнинг ҳақиқий йўловчилари бўлмоққа тўла ҳақли деган сўзни айтмоққа ҳали ҳаддим сиғмайди. Негаки, ҳали улар катта йўл бошида турибди.

Кўнглини тўкиб-тўкиб куйлаётган бир қўшиқчи қиз ҳақида билганларим шу. Энди қолган гапларни унинг ўзи айтсин... У бўлса ҳижолатомуз кулимсирайди-да:

— Яхшиси газетада эмас, саҳнада айтақолай... деб қўйди.

Ҳа, уни танийсиз. Содда, камтар ва доим дўппи кийиб юрадиган Замира Номозова.

Норқобил ЖАЛИЛ.

БМТ МУКОФОТИ СОҲИБАСИ

Аёл башариятнинг гўзал ва бебаҳо меваси. Ҳар бир давр, ҳар бир жамият тараққиётини оналар буюклиги ва нафосатисиз тасаввур этиб бўлмайди. Шу маънода Миср Араб Республикасида аёллар тақдири ва эртанги равнақи йўлида улуғвор ишларни амалга ошириш мақсадида астойдил бел боғлаган оқила аёллардан бири Сўзана Муборак хонимдир. У ўзининг бутун ақл-идроки, ғайрат-шижоатини ана шундай хайрли ишга сарфлаётганлиги учун ҳам араб оламининг ҳурмат-эътиборига сазовор бўлмоқда.

Мамлакат Президенти Ҳусни Муборакнинг рафиқаси Сўзана Муборак мамлакат болалари порлоқ келажаги йўлида аъло хизматлари учун Нью-Йоркда «Муваффақият» мукофотига сазовор бўлди. 1991 йил сентябрь ойида, «Табиий офат асоратларини тугатиш» олий қўмитаси бу мукофотни Сўзана Муборакка беришга лойиқ деб топди ва БМТ бу ҳақда қарор чиқарди. Сўзана Яқин Шарқ ва Шимолий Африка мамлакатларидан совриндор бўлган ягона вакиладир.

БАҲОР, АЙЛАНАЙИН БАҲОРЛИГИНГДАН

Кўзим қувонади атрофга боқиб,
Тўймайман қанчалар термулганда ҳам.
Сен менга жуда ҳам кетяпсан ёқиб,
Баҳор айланайин баҳорлигингдан!

Шунчалар хушбўйми бўйларинг гулим,
Ўнгим ҳам сўлимдир, сўлларим сўлим,
Қадимий кулгимни келяпти кулгум,
Баҳор айланайин баҳорлигингдан.

Қанча муаммолар турар ҳал талаб,
Бу ҳақда очмайман бир лаҳзага лаб...
Ёғишингдан сени ёмғир майдалаб,
Баҳор айланайин баҳорлигингдан.

Сал нарироқ кетиб бу элнинг дарди,
Бошин кўтармоқда ёстиқдан қадри,
Майсанинг осмонга сиғмоқда ҳадди,
Баҳор айланайин баҳорлигингдан!

Ол ранглар таратиб юзимга мени,
Қанот чиқаряпсан сўзимга мени,
Қайтариб беряпсан ўзимга мени,
Баҳор айланайин баҳорлигингдан!

Зулфия БОБОЕВА

* * *

Бир-биримиз излаймиз изсиз,
Чорлаймиз беовоз, исмсиз.
Икки тоққа айландик гўё,
Мен-ку жимман, сиз нега жимсиз?

Бир замонда яшаш—бахтимиз.
Бир маконнинг баҳрамандимиз.
Бир-бировни бой бериб қўйиб,
Бир жаҳонни ютар нақдимиз.

Юрак, сиздан суюнган юрак,
Ғамингизда куйинган юрак,
Ўлиб қолсам, қабрим устида
Сиз ёш тўкиб турсангиз керак.

Сиз яшайсиз ардоқларимда,
Қорачўғу қароқларимда,
Ишқ гулининг тиканларидан,
Қон сизмоқда бармоқларимда.

Бир-биримиз излаймиз изсиз,
Чорлаймиз беовоз, исмсиз.
Икки тоққа айландик гўё
Мен-ку жимман, сиз нега жимсиз?

УМИДА

* * *

Чинни коса синди-ё,
Дилда умид унди-ё,
Ёрим келар дегандим
Қай гўшага қўнди-ё?

Чинни коса синди-ё,
Ғала-ғовур тинди-ё.

Яшириндим мен бунда
Келгин ёрим, энди-ё.

Чинни коса синди-ё,
Жоним гапга қўнди-ё,
«Ташлаб кетди» деганлар,
Кўрасизлар энди-ё.

Кўра-кўра кўй келар,
Карнай-сурнай, куй келар,
Тезроқ бўлинг онажон,
Бугун менга тўй келар...

РАЪНО

* * *

Кун келади сочларимни
Шамол тарар онажон.
Ёмғир дилга сув қуяди
Ёмғир қуяр онажон.
Фалак бир кун етказади,
Юлдузларнинг бағрига.
Суйган ёрим қолиб кетар
Оймомонинг қаҳрига.
Мен ҳур бўлиб яшарман-ей,
Ер-осмон йироқда.
Фиғонларим тор кўнглимни
Солар бу кун титроққа.
Юрагимни тимдалаган
Ишқим қолди тузоқда.
Сизни мендан ўзга яна
Кимдир кутар узоқда.
Ярим—ярим юрагимни
Дунёларга сотдим-о
Ишқнинг олов тугёнларин
Дарёларга отдимо...

Шарифа МАДРАҲИМОВА.

• ЮРГАН ДАРЁ...

ТЎЙ ОҚШОМИ

«Юрган дарё» дейдилар. Дарвоқе, дунё кезиш, юрт кўрмоқнинг ҳам ажиб-ажиб фазилатлари, сир-синоатлари кўп-да. Айниқса, истиқлолга эришганимиздан сўнг ўзбекистонликлар ер юзининг турли давлатларига бориб кела бошладилар.

Қуйида бир юртдошимизнинг олис Америка сафаридан намуналарни эътиборингизга ҳавола қилаяпмиз.

Ватан ташвиши, оила—хонадон ташвиши кишини ҳеч қачон, ҳеч қандай шароитда, гарчи у Боғи Эрамда юрса ҳам, тарк этмас экан. Мушфиқ оналаримиз, ширин-шакар фарзандларимиз, улардан ҳам тотлироқ набираларимиз соғ-саломатмиканлар, бирорталарининг тоблари қочган бўлса телефон суҳбатларида биздан яширимаяптилармикан?

Абдулла Маъмур зукко ва синчков зотдирлар. Баъзан юқоридаги саволомуз хаёллар оғушида қолганлигимизни сезиб, бизни машиналарига ўтказиб кўчага бошлайдилар, янги-янги таассуротлар билан «компьютер»ларимиздаги ташвиш ёзувларини «ўчириб», кўнглимизни олишга ҳаракат қиладилар.

Шундай сайрлардан бирида йўлимиз Манхэттен ороли марказида жойлашган Мюзик-Холл томондан ўтди. Мюзик-Холл ўзбекчада мусиқа саройи деган маънони англатади. Мюзик-Холл — Америка қитъасидаги энг йирик мусиқали театр ҳисобланар экан. Бироз вақтимиз бор эди, бинони кўриб чиқиш иштиёқи туғилди. Машинадан тушиб, бино пиллапояларидан кўтарилар эканмиз, ён томондан хизмат эшигидан бир киши чиқиб, бизга яқинлашдида, салом берди.

Ҳол-аҳвол сўралгандан сўнг у киши мақсадимизни билиб, ёрдамчисини чақиртириб, бизни унга топширди-да, узр сўраб йўлида давом этди. Абдулла аканинг айтишларича, бу киши Мюзик-Холлнинг тижорат директори бўлиб, компьютер савдоси бўйича фирмага мижоз экан. Биз театр биносини бирров кўриб чиқдик. Заллар ортиқча безаксиз, ёғ тушса ялагудек покиза, ўриндиқлар ҳавас қилгудек. Овоз кучайтиргич мосламалар кўринмайди. Ёрдамчининг изоҳ беришича, бу бинода овоз кучайтиргичга ҳеч қандай эҳтиёж йўқ. Деворлар, гумбазсимон шифт, саҳнанинг баланд шифти биздаги ҳар бирига ўттизтадан тухум сиғадиган картон катакларга ўхшаш қоплама билан қопланган, шу қоплама овозни ниҳоятда кучайтириб бериши билан биргаликда мусиқа ва оҳангга майинлик бахш этар экан. Бизни олиб юрувчи ходим ўз сўзининг исботи учун саҳнага чиқиб, бир қўшиқни аста хиргойи қилган эди, зал охирида туриб уни жуда аниқ эшитдик.

Мюзик-Холлдан чиқиб, бироз юрганимиздан сўнг бир кўчанинг бирлашиш қисми тўсиқлар билан ёпиб қўйилганлигини, кўча бошида бир неча полиция ходими турганлигини, ўша кўчада эса бирорта ҳам киши йўқлигини кўриб ҳайрон бўлдик. Кўча таъмирланмоқдамикан ёки бирор кори-ҳол юз берганмикан? Абдулла ака саволларимиз дилимиздан тилимизга ўтмасданоқ, жавоб бердилар:

— Бу кўчада фожеа ҳам юз бергани йўқ, таъмир ишлари ҳам олиб борилаётганлиги йўқ. Бу — сармоядорлик (капитал) дунёсининг ҳали Сизга қоронғу томонларидан биридир. Гап шундаки, «бизда», яъни Америкада, нафақат молмулк, бинолар, балки айрим бутун бошли кўчалар ҳам хусусийлаштирилган. Айнан бу кўча Нью-Йорк ҳудудидаги хусусийлаштирилган икки кўчанинг бири бўлиб, машҳур Рокфеллерлар хонадонининг хусусий мулкидир. Бу кўчада инсон яшамайди. Кўчадаги бинолар—банклар, фирмалар, ширкатлар, биржалар ва бошқа хусусий ташкилотларга ижарага берилади, яшайдиган бинолари йўқ. Кечқурун иш пайтидан кейин фақатгина турли муассасаларнинг навбатчилари ва қоровулларигина қолишади. Штатлардаги мавжуд қонунларга кўра, пиёда юрувчилар учун йил давомида очиқ бўлган ҳар қандай йўл, кўча, торкўча ўз-ўзидан, жамоат мулкига айланади, унга бўлган хусусий мулкчилик ҳуқуқи йўқолади. Шунинг учун, йилда бир марта, йил тўлишига ўн икки соат қолганда йўл йўловчилар учун беркитиб қўйилади. Ўн икки соат ўтгандан сўнг, яна очилади.

Бу тафсилотлардан сўнг сармоядорлик олами ҳали биз учун катта сир эканлигига иқрор бўлиб, хонадонга қайтдик.

Ниҳоят, шанба куни оқшомда тўйга боришимизни яна бир бор эслатдилар. Аввалдан огоҳлантирилганимиз учун биз ҳам бу оқшомни интиқлик билан кутар эдик. Зеро, тўй ҳам ватандошларимиз ҳаётини белгиловчи ўзига хос бир кўзгудир.

Ватандошларимизда тўйга бориш қандай муҳим, диққат-эътиборга сазовор эканлигини тўйдан бир қанча вақт илгари бошланган қизғин ҳозирликларданоқ сезган эдим: совға-саломнинг ҳаракати, аёллар шаҳарнинг энг машҳур чеварлари билан мулоқотда бўлиб, либос буюришлари, эркакларнинг ҳам ўзларига хос ҳозирликлари...

Абдулла ака барча ўғиллари, куёвлари билан хабарлашиб, тўйга меҳмонларни ҳам олиб, оилавий тарзда кўпчилик бўлиб бориш ҳақида келишиб олган эдилар. Шанба куни тушдан сўнг барча оила аъзолари ота хонадонида ҳозир бўлдилар. Барчаларимиз шу қадар чиройли либосларни кийганларки, ҳақиқатда ҳавас қилса арзигудек. Бу ерда, оддий кунларда ўзига тўқ америкаликлар кийинишга зеб бермайдилар. Фақат паст даражадаги хизматчилар — даллоллар, биржа ходимларигина нима учундир доим пўрим бўлиб юришга ҳаракат қиладилар. Мен бу қонуниятни ўн-ўн беш кун давомида илғаб олган эдим.

Жўнашимиздан бир соат олдин Абдулла ака мени ўз ҳобғоҳларига бошлаб, ийманибгина таклиф қилдилар:

— Нуруллохон ука, агар хоҳласангиз мана бу либослардан кийиб олинг...

Либос жавонидаги саруполарни кўриб... Узр айтишимга тўғри келди:

— Раҳмат, Абдуллажон ака, лекин, ижозатингиз билан, ватандошлар тўпланадиган жойга Ватан бўйи келиб турган либосларимда, бошда дўппим билан борсам деган эдим...—

Бу жавобим мезбонга янада маъқул келди.

Ниҳоят, жўнайдиган вақт бўлди. Ҳаммамиз пастга тушдик. Мен бу оиланинг ҳар бир аъзоси уйида меҳмон бўлиб, улар билан кўп юрган бўлсам-да, бу машиналарини энди кўришим. Тўйга кийиш учун олиб қўйиладиган либосларни кўп кўрдик, худога шукур, ўзимизнинг юртимизда ҳам ҳар бир кишида тўй-байрамларга кийиладиган либос бўлади.

Абдулла ака фотиҳа берганларидан сўнг етти машина бир карвон бўлиб йўлга тушди. Карвонбоши — табиийки Абдулла аканинг ўзлари.

Қоронғу тушиб қолган. Кичик кўчадан олти қаторли катта йўлга ўтиб, океан бўйлаб жанубга юрдик. Йўллар, аввал бир неча бор таъкидлаганимиздек, аъло даражада: чорраҳа йўқ, ғиччироқ йўқ, ортиқча шовқин ҳам йўқ. Гарчи машиналарга сигнал қурилмаси ўрнатилган бўлса-да, улар деярли ишлатилмайди. Америкада худа-беҳудага сигнал чалиш одобсизлик ҳисобланар экан. Кўп юрмасимиздан, ёмғир бошлаб, тезлашиб кетди. Тўйхона манзилига яқинлашганимизда, Абдулла ака қайси бир тўйхонага юрсак экан дея тараддудланиб, ўғилларига телефон қилдилар. Иноятхон тўйхона билан боғланиб, аниқ жойини белгилаб олдилар ва оталарига, тўғрига юраверишни, буриладиган жой яқинлашганда телефон орқали айтишларини билдирдилар. Ҳурматни қарангки, шунда ҳам олдинга ўтиб кетмадилар.

Йўл-йўлакай Абдулла ака бу ердаги тўйлар ҳақида маълумот бериб бордилар. Бошланиши худди ўзимиздагидек — келин ва куёв ёхуд совчилар воситасида, ёки ўзлари топишиб, совчилар бориб аҳдлашиб, нон синдиришиб, ниҳоят унаштириш маросими бўлар экан. Шундан кейингиси бироз ўзгача: маълум муддат ўтиб, келин-куёв синов ва «ўзаро келишув»дан ўтгач, ҳар икки оила ўртасида яна бир кичик маросим қилиниб, никоҳ ўқилиб, қонуниийлаштириб қўйилар экан. Шундан сўнг хоҳлаганлар тўй зиёфати берар, хоҳлаганлар эса шундоқ яшайверар экан. Мана, биз таштриф буюраётган тўй, умумжаҳон ўзбеклари «Эл» уюшмаси раиси, машҳур тадбиркор Абдурауф Мақсудийнинг* сингиллари ўз қизларининг турмушга чиқанлиги шарафига бераётган тўй зиёфати экан, яъни, улар беш-олти ой муқаддам оила ва яқинлар доирасида никоҳ ўқитиб, турмуш қурганлар, тўй маросими эса бугунга насиб этган экан. Сўнгра таъкидлаб айтдиларки:

— Иншооллоҳ, бугунги тўй маросимида камида олти юз-етти юз ўзбек хонадонлари ҳозир бўладилар. Уларнинг баъзилари билан учрашдингиз ҳам. Кўп савол-жавоблар бўлади...

Ниҳоят, тўйхона муюлишида машина, мотоцикл ва велосипед минган кутиб олувчилар пешвоз чиқиб, бизни тўйхонага чорладилар. Ёмғир жалага айланган. Мен ўйладимки, шундай шоҳона кийинган меҳмонлар бу ёмғирда қандай қилиб машинадан тушар эканлар-у, қандай қилиб ичкарига кириб олар эканлар? Ташвишларим беҳуда бўлиб чиқди. Тўйхона биноси пештоқига етти-саккиз метр кенгликдаги устунсиз айвон қадалган экан, машиналар тўғри айвон паноҳига кириб бориб, гиламлар тўшалган жой олдида тўхтадиларки, тўйхона ичига сарпойчан ҳам кириб кетса бўладиган даражада. Бизни эшикоғалар такаллуф ва тавозеъ билан кутиб олиб, тўйхона сари бошладилар. Абдулла ака машинанинг калитини бир шотирга топшириб, унинг қўлидаги рақамли тамғани олиб, паст овозда «Нуруллоҳ» деб сўз қотиб қўйдилар. Мен ҳайрон бўлдим. Фаҳмлашимча, бу ўрол (пароль) экан. Биз ичкари юрганимизда шотирлар машиналаримизни жойидан қўзғатиб, махсус жойга олиб кетишди, илло, гилам олдига кетмакет машиналар етиб келмоқда эди. Бошимда дўппим билан тўйхонага кириб борганимни кўриб ватандошлар бизни ўраб олдилар ва қучоқлашиб кўриша кетдилар. Улар орасида биз билан таниш, хонадонимизда меҳмон бўлган Ҳафизулла Чиғатой, Ҳафизулла Мурод, Ёқубжон, шунингдек, «Туркистон» жамиятининг раиси Абдуллахўжа, собиқ раиси Неъматуллохон ва бошқа таниш-нотаниш ватандошлар, тўй соҳиблари—Мақсудий хонадонининг аъзолари бор эдилар. Эркаклар—эркаклар билан, аёллар— аёллар билан қучоқлашиб сўрашиб ҳол-аҳвол изҳор қилингандан сўнг меҳмонларни биринчи қаватга қатор қўйилган юмшоқ курсиларга ўтказдилар. Фотиҳа тортилди. Катта залнинг ўртасига улкан стол қурилган бўлиб, унинг устига дастурхон ёзилиб, турли-туман таомлар ва ноз-неъматлар қўйилган. Ҳар ким таклиф кутмай ўзи дастурхондаги таомлардан керагича ликопга солиб олиб, хоҳлаган жойига ўтириб енлинган. Ҳар бир жой рақамланган — унга ким ўтириши аввалдан белгилаб қўйилган. Ҳамроҳларим Америка ўзбеклари ичида ҳурматли кишилар ҳисобланганлиги, бизнинг меҳмон эканлигимиз туфайли бизни юқорига олиб, иззат-икром билан ўтказишди. Ҳамма жойлашиб бўлгандан сўнг келин-куёв ҳақкига, Мустақил Ўзбекистон ҳаққига, меҳмонлар ҳаққига дуо қилиниб, фотиҳа ўқилди. Бу ерда ўзбек хонанда-созандалари бўлмаганлиги учун, хизматга эронлик хонандаларни таклиф этар эканлар. Улар ҳам паст, мўътадил овозда қўшиқларини бошладилар. Бироз фурсат ўтгач, тўйхона залига келин-куёвлар кириб келаётганликларини эълон қилдилар. Чамаси ўттиз метр узунликдаги поёндоз тўшалди. Ҳамма ўрнидан турди, созандалар қуйни ўзгартирдилар. Мен, маросимни аниқ кўриш мақсадида поёндозга яқинроқ бориб турдим. У ердаги таомилга кўра, келин-куёвнинг бороз олдинроқ турмуш қурган яқин дўстлари, ўз оиласи билан келин-куёвдан олдин поёндоздан ўтиб, гўёки, янги келин-куёвга бахт йўлини очиб беришар экан. Улардан сўнг саккиз — тўққиз ёшли қизалоқлар саватларда гуллар ва гул япроқларини олиб ўтиб, поёндозга сочиб сарафроз қилдилар. Шундан сўнг ўн олти—ўн етти яшар миллий либос кийган қизлар ҳам гул япроқларини сочиб ўтдилар. Бу ўринда гул япроқлари увол бўлган ҳисобланмас экан. Сўнгра келиннинг тўрт дугонаси анвойи либосларда ўтиб келишди. Ва ниҳоят, келин-куёв кўриндилар. Келин оқ либосда, никоҳ куйлагининг олти-етти метрли этагини орқада қизлар тутиб келмоқдалар. Шу онда келин тасаввуримда қиролича бўлиб кўринди. Эронлик созандалар созни баланд олдилар. Шу онда «— Қани энди шундай маросимда ўзимизнинг «водий булбулимиз» Раҳимахон опа ҳозир бўлсалар эди, тўйга қандай завқшавқ, ўзгача шукуҳ берган бўлар эдилар» деган ўй кечди хаёлимдан.

Келин-куёв ўзларига белгиланган жойга бориб ўтиришгач, яна бир фотиҳа ўқилди. Сўнгра тўйхона узра яна шўх куй-қўшиқлар янгради. Рақс тушиш иштиёқида бўлган меҳмонлар тўртта-бешта, гоҳо ўн-ўн бештадан бўлиб даврани қизитдилар. У томонларда қистир-қистир, пул сочиш каби исрофлар йўқ экан. Сезишимча, бу ердагилар пулнинг моҳиятини, қадрини, сарфланадиган ўрнини биздагиларга нисбатан яхши биладилар. Тўй зиёфатини кузатиб ўтирар эканман, бу тўйнинг Ватанда бўлиб ўтаётган тўйлар билан қиёслайман. Фарқ жуда катта. Ҳар икки томондаги тўйларнинг ўзига яраша устун томонлари, ўзига яраша камчиликлари бор, албатта. Америкада бўлиб ўтаётган тўйларда фотиҳа тўйи, хутба ўқитиш, марссимни фотиҳа билан бошлаб, фотиҳа билан тугатиш ва яна бир қанча шарқона исломий удумлар сақланган бўлса-да, тўй зиёфатининг кўпгина кўринишлари, «америкалашган». Шундай бўлиши табиийдир. Лекин, америкача ўзбек тўйларидаги тартиб, одоб мени қойил қолдирди...

Сўнг беш-олти киши биринчи қаватга тушиб чой асосида қизғин суҳбатга берилдик. Зум ўтмай атрофимизни ватандошлар қуршаб олдилар. Суҳбат деярли Ватан мавзуидан четга чиқмади. Саволларни ёғдириб ташладилар. Улгурганимча жавоб бердим ва пировардида умумий жавоб тарзида шундай дедим:

— Биродарлар, қачонки хонадонингиз тинч бўлса, тўйга, сайрга, сайлга борасиз. Мана, менинг хонадоним тинч экан, Ал Беруний кашф этган қитъага қадам қўйдим, хонадоним, яъни Ўзбекистоним тинч экан, тўйга келдим, тўй-тўйга қўшилаверсин биродарлар.

Сўзимнинг охирида Ўзбекистоннинг бугунги куни, ташқи-ички сиёсати, иқтисодиёти, ижтимоий ҳолати ҳақида сўзлаб бердим. Ватандошлар кўп мамнун бўлдилар ва ўз таштриф ёрлиқларини марҳамат қилиб, ўз хонадонларига турли вақтга таклиф этишди.

Тўй менда катта таассурот қолдирди. Бундай тўйда қатнашганимдан ўзимни бахтиёр сездим, илло, етти юз-саккиз юз нафар ватандошим билан дийдор кўришдим.

Қайтаётганимизда ёмғир тиниб, юлдузлар чарақлаб турар эди. Хонадонга етиб келгач, дарҳол уйга кириб кетгимиз келмай, гулзор ёнида ҳазми таом баҳонасида чойхўрлик қилиб ўтирдик. Чой асноси нигоҳим юлдузларга тушади. Ана Етти Қароқчи, ана Зуҳро, Қўқонда осмонга тикилганимда қай тарақа жойлашган бўлса, бу ернинг осмонида ҳам шундай кўринар эди. Дарвоқе, ўзимизнинг бир журналист Нью-Йорк ва Қўқон бир чизиқда — 45 параллелда жойлашганлигини ёзган эди. Яна нигоҳим юлдузларда. Бу оқшом Нью-Йорк осмонида яна икки янги юлдуз кашф этдим. Улар бугунги тўйнинг сабабчилари бўлган икки ёшнинг юлдузлари бўлса ажаб эмас...

НУРУЛЛОХОН ҳожи АБДУЛЛОҲ ўғли.

Шоир «Қор остида шивирлар баҳор» деганида батамом ҳақ экан. Буни шу йилги баҳор кайфияти ҳам ифодалаб турибди. Кўрмайсизми, тақвим бўйича баҳорнинг ҳафтаси ўтяпти-ю, табиат чеҳрасини оча қолмайди. Демак, баҳор қор остида ўз куйини шивирламоқда.

Шунга қарамай, тикувчи-бичиқчилар баҳор, ёз мавсуми учун пухта тайёргарлик кўриб қўйишди. Улар Ўзбекистон мустақиллиги учинчи баҳори кайфиятига мос янги урфдаги хотин-қизлар кийим-кечаклари намуналарини яратдилар.

СУРАТДА: Тошкентдаги республика Модалар уйида янги урфдаги кийимлар намойиши.

Владимир МОЛГАЧЕВ олган сурат.

• «Наврўзнома»

ДИЛКАШ САЙЛ ТАРАДДУДИ

Каттақўрғон шаҳар ҳокимияти Ўзбекистон ХДП шаҳар Кенгаши билан ҳамкорликда азалий байрамимиз — Наврўзни кўтаринки руҳда ўтказиш мақсадида қизиқарли тадбирларни белгилади. Байрамга тайёргарлик кўриш юзасидан тузилган ташкилий қўмита фаолиятига ХДП шаҳар Кенгашининг биринчи котиби Ҳамротош Шодиева раҳбарлик қилмоқда.

Айни кунларда Каттақўрғон шаҳридаги ўттизга яқин маҳалла ҳамда шаҳар тасарруфидаги Ингичка — кончилар қўрғонида ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ишлари қизитиб юборилди.

— Маълумки, байрамлар арафасида «мажбурий» шанбаликлар ўтказиш анъанага айланган эди, — дейди Ҳамротош Шодиева. — Биз эса, «зўрма-зўраки» шанбаликларни ўтказишдан воз кечдик. Аксинча, шаҳримиздаги барча корхона, ташкилотлар, билим даргоҳлари ва маҳаллалар жамоалари ободончилик юзасидан ҳашарлар уюштириш ташаббуси билан чиқишди. Ҳатто, аксарият корхоналарнинг ишчи-хизматчилари ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини ҳайрия тадбирлари ҳисобига ўтказиш ниятидалар.

Ҳа, Наврўз сайли кўларида беморлар, ногиронлар, уруш фахрийлари, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олинади. Уларга шаҳар ҳокимияти, ХДП шаҳар Кенгаши ҳамда корхона, ташкилотлар, акциядорлик жамиятларининг совға-саломлари тарқатилади.

Шунингдек, республикамиз ва бошқа мамлакатлардаги институтларда таҳсил олаётган каттақўрғонлик талабалар билан бир пиёла чой атрофида учрашув ўтказилиб, аъло баҳоларда ўқиётган йигит-қизларга ХДП Каттақўрғон шаҳар Кенгашининг мукофотлари топширилади.

Шаҳардаги «Дўстлик» ўйингоҳи ва отчопарида бўлиб ўтадиган «Сенга таъзим Наврўзим!» — театрлашдирилган томошасида бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг 500 нафарга яқин истеъдодли ижрочилари, моҳир спортчилар, дорбоз-у чавандозлар ўз маҳоратларини намойиш этишади.

Абдуазиз ҲОШИМОВ, Каттақўрғон шаҳар маданият ишлари бўлими ходими.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИНИНГ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИ ҲИСОБИДА ТУРАДИГАН АЪЗОЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси Тошкент ташкилотининг манзилгоҳи ўзгарди. Шу муносабат билан уюшманинг Тошкент ташкилоти ҳисобида турадиган барча аъзолари, бошланғич ташкилотларнинг котиблари, жумладан Тошкент вилояти шаҳар ва туманларида яшаб меҳнат қилаётган уюшма аъзолари, ана шу жойлардаги бошланғич журналистлар ташкилотларининг котиблари уюшма аъзолигига қабул қилиш, ҳисобдан чиқариш, аъзолик бадалларини тўлаш, ташкилий-ижодий ишлар ҳамда Тошкент ташкилоти бошқаруви билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича Навоий кўчаси, 30-уй (Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси жойлашган бино) 33-хонага мурожаат қилишларини сўраймиз. Тошкент ташкилоти бошқарувининг махсус вакили ана шу манзилгоҳда иш олиб боради. Маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат қилиш мумкин: 44-65-97.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР УЮШМАСИ ТОШКЕНТ ТАШКИЛОТИ БОШҚАРУВИ.

Тошкент шаҳар дарвоза кўчаси техникуми ёни)да Самарқанд (Кулинария жойлашган поли паркет, телефони бор, сигнализация орқали қўриқланадиган уч хонали кооператив квартирамни

СОТАМАН.

Телефон: 47-17-10 (соат 19 дан 23 гача).

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

«Ўзбекистон» нашриёти жамоаси Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасининг ижарадаги Тошкент матбаа комбинатининг Бош директори Марат Абдуқаҳҳорович Ғойибовга синглиси

Назирахон АБДУЛЛАЕВАнинг

бевақт вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент матбаа комбинати жамоаси бош директори Марат Абдуқаҳҳорович Ғойибовга синглиси

Назирахон АБДУЛЛАЕВАнинг

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади. Илоҳим марҳумнинг охирати обод бўлсин.

Воқеалар, хабарлар, шарҳлар

● Сен баҳорни соғинмадингми?

НАМАНГАНДА ҚАВРЎЗГА ҲОЗИРЛИК

Вилоят маданият саройида ўтказилган концертда баҳор кайфиятига мос қўшиқ ва куйлар янгради. Шаҳар бадиий ҳаваскорлик жамоаларининг танлови ўтказилиб, ғолиблар Наврўзга бағишланган концертда иштирок этиш ҳуқуқини олдилар.

Вилоят марказида айёмга бағишланган ободончилик ойи давом этмоқда. Мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиш давом этмоқда. Бобур номидаги ва «Дўстлик» маданият ва истироҳат боғларида ҳам иш қизғин. Корхона, ташкилот ва муассасаларнинг жамоалари бу боғларни оталиққа олган. Меҳнат камоалари, хайрия ташкилотларида байрам совғалари тайёрланмоқда.

● Соғлом авлод учун

ҚУШМА МАЖЛИС

Нукусда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳайъатининг «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон бўлими билан қўшма мажлиси ўтказилди.

Йиғилишда Қорақалпоғистон Вазирлар Кенгашининг раиси, жамғарма раиси Р. Йўлдошев, Республика Соғлиқни сақлаш вазири Т. Ешанов сўзга чиқдилар. Иштироқчилар туман ва шаҳарларда «Соғлом авлод учун» жамғармасининг таянч пунктларини тузиш, ҳокимликлар улар учун бинолар ва анжомлар ажратиши зарурлигини таъкидладилар.

● Байрам арафасида

ОНАХОНЛАР ҚУВОНЧИ

Тошкентдаги «Туркистон» саройи саҳнасида ўзига хос томоша кўрсатилди. Республикадаги 24 театр ва ҳаваскорлар жамоалари кучи билан уюштирилган бу тадбир Халқаро хотин-қизлар байрамига бағишланди. Бу ерга Ўзбекистон театр арбоблари уюшмасининг 800 дан ортиқ аёл аъзоси фахрий томошабин бўлиб келди.

Айём арафасида ижодий уюшма уларни табриклашга аҳд қилиб, Тошкентдаги энг яхши саройлардан бирини танлади. Томоша дастури қизиқарли ва хилма-хил бўлди. Саҳна томошаларини режиссёр Алишер Эшонхўжаев Тошкент маданият маркази фаоллари билан ҳамкорликда тайёрлади. Байрам кунлари бундай томоша барча хоҳловчилар учун намойиш этилса, 27 мартда Халқаро театр кунига бағишланади.

● Орол дарди — олам дарди

АТРОФ-МУҲИТ МУАММОЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбекистон пойтахтида Орол муаммоларига бағишланган йиғилиш бўлди. Илк марта уюштирилган бу мажлисни Орол муаммолари бўйича давлатлараро Кенгаш ижроия қўмитаси Орол Халқаро жамғармаси маъмурияти Жаҳон банки ваколатхонаси билан ҳамкорликда ташкил этди. Йиғилишни ижроия қўмита раиси, Туркманистон мелиорация ва сув хўжалиги вазири А. И. Иламонов олиб борди.

Йиғилиш аҳли шу йил 11 январда Нукус шаҳрида Марказий Осиё давлат бошлиқлари конференциясида қабул қилинган қарорга мувофиқ Орол денгизи атрофидаги экологик шароитни яқин 3—5 йил ичида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўриқлари бўйича аниқ ҳаракатлар қилиш дастури масаласида ўзаро мулоҳаза юритдилар.

● Қадриятларимиз

МАҲАЛЛА ҲУНАРМАНДЛАРИ

Марғилонда ҳунармандларнинг ўзига хос байрами бўлди. Фарғона вилоятининг 100 нафардан зиёд устаси иштирок этган кўркда «Қизил косиб» маҳалласи ҳунармандлари биринчи ўринни қўлга киритишди.

Вилоят меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш бошқармаси миллий ҳунармандчиликни ҳимоя қилиш тадбирларига 450 миллион, ҳунарманд ёшларни рағбатлантиришга эса махсус маблағ ажратди. Бу йил 3,5 минг нафар йигит-қизга касб-ҳунар ўргатиш мўлжалланмоқда.

(ЎзА ва мухбирлар хабарлари асосида тайёрланди).

«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 10 март, пайшанба куни чиқади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ.

Бош муҳаррир: Азим СУЮН.

Таҳрир ҳайъати: Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ (масъул котиб), Зиёд ДАВРОНОВ, Ислом ШОҒУЛОМОВ, Каримжон РИХСИЕВ, Миршароф МУҲСИМОВ, Олимжон НАЗАРОВ, Тўхтамурод ТОШЕВ (бош муҳаррир ўринбосари, «Осиё бозори» иловаси учун масъул), Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

Матбуот ишлари ва партия ҳаёти бўлими — 33-21-43.
Иқтисодиёт бўлими — 33-47-80, 32-54-27.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ бўлими — 33-54-55, 32-26-70.
Адабиёт, фан ва маданият бўлими — 33-07-20, 32-57-19.
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-11-49, 33-76-04.
Ахборот ва спорт бўлими — 33-12-56, 32-55-16.
Тижорат, эълонлар — «Осиё бозори» редакцияси — 33-41-89, 32-55-70, 33-38-55, 32-54-12.
Шароф Рашидов фонди — 33-34-69, 33-20-36.
Қабулхона — 33-65-45, 32-55-15.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда 5-27-11; Нукусда — 4-44-62;
Бухорода — 3-96-12; Қаршида — 3-25-79;
Гулистонда — 2-26-22; Қумқўрғонда — 52-624;
Жиззахда — 3-46-24; Самарқандда — 35-22-90;
Навоийда — 3-74-76; Урганчда — 6-72-60;
Наманганда — 6-43-43; Фарғонада — 6-37-16.

● Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000120.
Газета офсет усулида А—2 форматида босилади.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Босишга топшириш вақти — 21.00.
Г—791. тир. 87.259. топширилди — 23.30.
Навбатчилар: Н. ЖАЛИЛ, М. МИРФАЙЗИЕВ.



МАНЗИЛИМИЗ: 700083. ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили «Буюк Турон» кўчаси 41-уй. 1 2 3 4 5 6.